

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАРБИЙ –
ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.32/30.12.2019.Үн.74.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАРБИЙ–
ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

ЗУЛФИҚАРОВ ШЕРЗОД ХУРРАМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ)**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Зулфикаров Шерзод Хуррамович

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутати фаолиятини такомиллаштириш (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил).....3

Зулфикаров Шерзод Хуррамович

Совершенствование деятельности депутата Законодательной палаты
Олий Мажлиса Республики Узбекистан (сравнительно-правовой
анализ).....32

Zulfikarov Sherzod Xurramovich

Improving the activities of deputies of the Legislative Chamber of the Oliy
Majlis of Republic of Uzbekistan (comparative-legal analysis).....58

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works61

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАРБИЙ –
ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.32/30.12.2019.Үн.74.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАРБИЙ –
ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

ЗУЛФИҚАРОВ ШЕРЗОД ХУРРАМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ)**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.1.DSc/Үу5 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий – техник институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Турсунов Ахтам Саломович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Селиманова Светлана Михайловна юридик фанлар доктори, профессор Тўлаганов Абдуманноп Абдужабборович юридик фанлар доктори, доцент Якубов Шухрат Умматалиевич юридик фанлар доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий - техник институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.32/30.12.2019.Үу.74.01 рақамли Илмий кенгашнинг **2020 йил** «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент в., _____ Зангиота _____ тумани, _____ Чорсу _____ кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50, mg-hti@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий - техник институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (+99871) 230-32-50).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ рақамли реестр баённомаси).

М. Х. Рустамбаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ю. ф. д., профессор

М.Х.Ахмедова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, ю.ф.н., доцент

М. Б. Усмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ю. ф. д., профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, давлат ҳокимияти органлари олдида кўйилаётган янги вазифалар, халқ манфаатлари ҳар нарсадан устувор аҳамият касб этаётган даврда давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимида депутатларнинг ўрни ва фаолият самарадорлиги масаласи ўта долзарб ҳисобланади. Амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг самарали кечиши кўп жиҳатдан депутатларнинг ўз профессионаллигини намоён қилиш билан узвий боғлиқдир. Янги тараққиёт босқичида депутатларнинг умумдавлат манфаатларини таъминлаш, халқ вакили сифатидаги ролини кучайтириш, парламент назорати субъекти сифатида фаоллигини ошириш каби масалаларнинг ҳуқуқий, ташкилий жиҳатларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан биридир. Айниқса, бу борада конституциявий нормаларни самарали амалга ошириш бўйича аниқ таклиф-тавсияларни ишлаб чиқиш ва қонунларда мустаҳкамлаш долзарб илмий вазифалар жумласидандир.

Дунё парламентаризм тизимида депутатлар мақомини белгилашда, уларнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши ва мажбуриятларини бажариши, депутатлик фаолияти кафолатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан мустақил тадқиқотлар ўтказиш муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврда Олий вакиллик органи аъзоси сифатида депутатларнинг фаолиятини таъминлашга оид қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш, депутатнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, парламент назоратини амалга оширишдаги вазифалари, сайлов округидаги фаолияти, қонунчилик жараёнидаги фаол иштироки, ўзларининг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан етарли даражада фойдалана олишлари жараёнида муайян муаммолар ҳам мавжуд. Шу боис, ушбу тадқиқот иши мазкур вазифаларнинг ҳуқуқий моҳиятини илмий таҳлил қилишда долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Айни пайтда бугун замоннинг ўзи барчамиздан, биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг вакиллари, депутат ва сенаторлардан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг нафақат иштирокчиси, балки ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлишни, бошқаларга намуна кўрсатишни талаб этмоқда”¹.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда депутатларнинг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида кенг қамровли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиши

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – Б.541.

хамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириши бўйича ваколатларини кенгайтириш юзасидан тизимли ишлар қилинмоқда¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги конституциявий қонун (2002), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги (2004), “Парламент назорати тўғрисида”ги (2016) қонунлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросига ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Парламент аъзолари фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Australian Parliamentary Library, Australian National University (Австралия), Stanford Law School, New York University, University of Michigan, Harvard University, Washington University School of Law (АҚШ), Cambridge University, Oxford University, University of Bradford (Буюк Британия), Universität der Bundeswehr München, Humboldt-Universität zu Berlin (Германия), Pantheon Sorbonne, University of Bordeaux (Франция), University of Toronto (Канада), University of Geneva (Швецария), University of Tsukuba, University of Nagoya, (Япония), Москва давлат университети, Ҳуқуқий тадқиқотлар ва қонунчиликни ривожлантириш маркази (Россия Федерацияси), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Тошкент давлат юридик университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

² Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.aph.gov.au>, <https://www.anu.edu.au>, www.law.stanford.edu, <https://www.nyu.edu>, <https://www.umich.edu>, <https://www.harvard.edu>, <https://www.law.wustl.edu>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://www.cam.ac.uk>, <https://www.bradford.ac.uk>, <https://www.unibw.de>, <https://www.hu-berlin.de>, <https://www.pantheonsorbonne.fr>, <https://www.u-bordeaux.fr>, <https://www.utoronto.ca>, <https://www.unige.ch>, <http://www.tsukuba.ac.jp>, <http://www.en.nagoya-u.ac.jp>, <https://www.msu.ru>, <http://www.centrlaw.ru>, <http://www.tsul.uz>

Парламент ва парламент аъзоларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижаларга эришилган. Хусусан: парламент ваколатларини таъминлашда парламент тартиб-таомиллари(процедуралари)ни такомиллаштириш зарурати асослантилган (Oxford University); парламент аъзоларининг қонун ижодкорлигида ижро ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик механизмлари кўрсатиб берилган (Universität der Bundeswehr München); электрон парламент тизими имкониятларини такомиллаштириш зарурати асослантилган (Australian Parliamentary Library); сайлов тизимининг парламент аъзолари фаолиятига таъсири ёритиб берилган (University of Michigan); парламент сайловларида гендер тенгликни таъминлаш имкониятлари таҳлил қилинган (University of Tsukuba); партия манфаатларини парламент фаолиятида ифодалаш механизми ёритилган (Центр правовых исследований и развития законодательства Российской Федерации); парламент аъзоларини ахборот-таҳлилий таъминлаш имкониятларини ошириш зарурати асослантилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти).

Дунёда парламент аъзолари ва уларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: парламент ва ижро этувчи ҳокимиятнинг ўзаро муносабатларида мувозанатни таъминлаш; парламент аъзоси мандатини аниқлаштириш; қуйи палата аъзоларининг сайловига оид қонунчиликни такомиллаштириш; қонунчилик жараёнида парламент аъзолари иштирокини кучайтириш; парламент назоратини амалга оширишда депутатларнинг фаоллигини ошириш; парламент аъзолари дахлсизлиги ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва ҳ.к.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат ҳокимияти тизимида қонунчилик ҳокимияти органи, хусусан депутатларнинг мақоми ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни илмий-назарий, ташкилий-ҳуқуқий нуқтаи назардан ўрганган Ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олимлар А.А.Азизхўжаев, С.М.Адилходжаева, Д.Қ.Ахмедов, Х.Б.Бобоев, Ш.Н. Бердияров, И.Р.Беков, З.М.Исломов, Г.С. Исмаилова, А.Э. Йўлдошев, Б.Ш.Мирбобоев, Г.Р.Маликова, Ў.Х. Мухамедов, М.М.Миракулов, О.З.Мухамеджанов, Ф.Ҳ.Отахонов, Ҳ.Т.Одилқориев, М.Х.Рустамбаев, А.К. Рахимов, А.Х.Саидов, С.М.Селиманова, Н.Ш. Саид-Ғазиева, А.С.Турсунов, А. Т. Тўлаганов, А.А.Тўлаганов, И.Т.Тулъетеев, О.К.Турғунов, О.Т.Хусанов, Э.Ҳ.Халилов, И.А.Хамедов, Р.Р.Ҳакимов, Х.С.Хайитов, Ш.У.Якубов ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Олий вакиллик органи аъзоси сифатида депутат фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштиришга оид фикрларни МДҲ мамлакатлари ҳуқуқшунос олимлари А.С. Авакьян, К.В. Арановский, А. А.Безуглов, М. В. Баглай, С.М.Барамидзе, А. В. Зиновьев, А.Т. Карасев, А. Н. Кокотов, В. В. Лапаева, О.О.Миронов, Л.А. Нудненко, И. П. Оқулич, Б. А. Страшун, М. Ф. Чудаков, В.Е. Чиркин, Ю.А. Юдинларнинг, илмий тадқиқот ишларида ўзининг илмий-назарий ифодасини топган.

Парламент қуйи палатаси аъзоси сифатида депутатларнинг фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштиришга оид назарий-илмий қарашлар, қонунчиликка оид қиёсий-ҳуқуқий таҳлиллар хорижлик олимлар Ж.Брайс, П.Бадур, П.Брохмед, Д. Гарнер, Ш.Монтескье, Э. Мицкевич, Дж. Милль, Г.Нарвел, М.Прело, Ж.Скотт, В.Стеффани, М.Тропе, А.Токвиль, Х. Унфрэхэс, Ч.Файерстоун, К.Хессе, К.Хекинг, Э.Шнайдер, Л.Шалланд, Ф.Эймон ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ёритиб берилган¹.

Ўрганилаётган мавзу доирасида Э.Х.Халиловнинг Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи органи сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар, О.З.Мухамеджановнинг Ўзбекистонда икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, Л.А.Нудненконинг Россия Федерацияси давлат ҳокимияти Қонунчилик органи депутатининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, Р.Р.Хақимовнинг давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари, А.Т.Карасев томонидан давлат ҳокимияти тизимида депутат, А.Қ.Раҳимовнинг Олий Мажлис палаталари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, С.А.Аббосхўжаевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этиш мавзуларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати фаолиятини такомиллаштириш (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил) мавзуси комплекс тарзда илмий тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий - тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб, Ҳарбий-техник институти Кенгашининг 2018 йил 30 ноябрдаги 4-сонли йиғилиш баённомаси қарори билан тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни комплекс таҳлил қилиш асосида илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг тушунчаси, мақоми, жамиятда тутган ўрнини илмий-назарий жиҳатдан асослаш;

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати мандатининг моҳияти ва ўзига хос жиҳатларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш;

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг конституциявий-ҳуқуқий мақомини тадқиқ қилиш ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсияларни илгари суриш;

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳуқуқий асосларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш;

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларини таҳлил қилиш орқали Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг кафолатларини таъминлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг парламент назоратини амалга оширишдаги фаолиятини янада кенгайтириш бўйича таклифларни илмий асослаш;

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг қонунчилик жараёнидаги иштирокини хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб қиёсий-хуқуқий таҳлил қилиш;

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг сиёсий партиялар, сайлов округидаги сайловчилар билан муносабатини ташкил қилиш масалаларини таҳлил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларидаги мавжуд муаммоларини бартараф этиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсияларни илгари суриш ва бошқалар.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати фаолияти жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати фаолиятини такомиллаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндошувлар ва илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, тарихийлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мантиқийлик, қиёсий-хуқуқий, статистик каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг хўжалик бошқаруви органларига қонун ҳужжатларининг, давлат дастурларининг ижроси, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимояланадиган манфаатларини бузиш ҳоллари, мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги таклифлар ва тавсиялар киритиш тартиби асосланган;

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига ваколатлари муддати тугаганидан кейин ишга жойлашишга доир кафолатлар берилиши, ваколатлари муддати тугагач, депутатга ўзининг розилиги билан бошқа лавозимдаги иш берилиши зарурати илмий жиҳатдан исботланган;

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар белгиланган ишончли вакилларга эга бўлиши; номзодлар ишончли вакилларининг сафар харажатлари давлат бюджетидан тўланиши, сайловолди ташвиқоти муддатининг бошланиши тартиби; номзодларнинг хуқуқий кафолатланиши зарурати асосланган;

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ваколатлари муддати тугаганлиги ёки Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилганлиги муносабати

билан аввалги лавозимига (ишига) қайтган тақдирда, меҳнат шартномасининг тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши тартиби асосланган;

Парламент сўровига, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатининг сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашиши, кўмиталарнинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисидаги ваколатли вакили иштирок этиши лозимлиги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонунини такомиллаштириш зарурияти билан асосланган;

Муаллифлик ёндашуви асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ҳуқуқий мақоми тушунчаси тавсифи, давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатлари орқали депутатларнинг ҳуқуқий мақомини гуруҳларга ажратиш тартиби, кафолатлар тизимини белгилаш, парламент ва депутат сўровларининг фарқли жиҳатларини аниқлаш билан боғлиқ хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан бойитилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 59-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида сайлов округи бўйича икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан ҳеч бири сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш юзасидан қарор қабул қилади. Аммо мазкур моддада, икки номзоддан бири ўз номзодини қайтариб олса ёки бошқа сабабларга кўра қатнаша олмаса, унинг ўрнини кейинги ўринда кўп овоз олган номзод тўлдиради, деган қонидани киритиш асослаб берилди;

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 71-моддасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларга қўйиладиган талабларда “давлат тилини яхши биладиган” деган талабни мустаҳкамлаш илмий жиҳатдан асослантирилди;

Парламент фаолиятига доир бир нечта қонунлар мазмунан, моҳиятан, тизимлаштириш нуқтаи назардан бир бирига яқин қонунлар ҳисобланади. Мазкур қонунларни тизимлаштирган ҳолда ягона “Парламент кодекси”ни ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилди. Бу ҳар томонлама парламент аъзоларига ва тегишли давлат хизматчиларига, шунингдек, энг асосийси фуқароларга мазкур кодексдан фойдаланишда қулайлик яратиши илмий-амалий жиҳатдан асослантирилди;

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига биноан, сиёсий партиядан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлардан “агарда 9 нафар депутати сайланмай қолса, унда улар қандай фаолият юритиши мумкинлиги тўғрисидаги нормани” мустаҳкамлаб қўйиш таклиф этилди;

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 13-

моддасига, Қонунчилик палатаси депутатлари, агар жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушлаб турилиши мумкинлиги, шунингдек, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тинтув қилиниши, шахсан текширилиши мумкинлиги тўғрисидаги қондани мустаҳкамлаб қўйиш лозимлиги асослантирилди (Германия Федератив Республикаси, Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Франция Республикаси, Япония, Бразилия каби давлатлар қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш орқали);

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда деган қоида белгиланган, аммо “зиддиятлар доимий тус олган ҳолда” деган қонданинг аниқ асослари кўрсатилмаган. Шу мақсадда мазкур қондани қиритиш илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилди;

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ёрдамчиси тўғрисида”ги алоҳида Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу эса, депутатларнинг самарали фаолият олиб боришларида улар учун қўшимча кафолат сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот якунида ўз аксини топган умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар “Конституциявий ҳуқуқ” фанида мавжуд бўлган назарий қарашларни ва миллий қонунчилик нормаларини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали асосланган.

Хулосалар муаллифнинг тадқиқотдан кўзланган мақсад ва унга эришиш учун белгиланган вазифаларнинг ечимини топишга оид мустақил қарашлари, таклифлари ҳамда статистик маълумотларни умумлаштиришга таянган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, тадқиқот ишида фойдаланилган материаллар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Диссертацияда келтирилган хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан илмий фаолиятда, Олий Мажлис фаолиятида, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати фаолиятини такомиллаштиришга оид ҳуқуқий нормаларни шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Парламент ҳуқуқи”, “Сайлов ҳуқуқи” фанларини илмий-назарий, амалий жиҳатдан янада бойитишда, ушбу фанлардан маъруза, мунозара ва амалий машғулотларда, дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлигида ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида янги ривожланиш босқичида қабул қилинган бир қатор қонунларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга, депутатларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимидаги ўрни ва роли тўғрисидаги билимларни кенгайтиришга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан куйидагиларда фойдаланилган:

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг хўжалик бошқаруви органларига қонун ҳужжатларининг, давлат дастурларининг ижроси, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларнинг бажаралиши самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш юзасидан таклифлар ва тавсиялар киритиши; фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузиш ҳолатлари талаби билан хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилиши; мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, уларни лавозимидан озод этиш тўғрисида хўжалик бошқаруви органларига таклифлар ва тавсиялар киритиши бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунида (21-модда) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг 2019 йил 8 майдаги 04-08-304-сонли далолатномаси). Мазкур таклифлар орқали парламент назорати субъекти сифатида Қонунчилик палатаси депутатлари эндиликда нафақат давлат органлари, мансабдор шахсларга, балки хўжалик бошқарув органларига ҳам ўз ваколатлари доирасида таклифлар ва тавсиялар киритиши бўйича ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилган;

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига ваколатлари муддати тугаганидан кейин ишга жойлашишга доир қафолатлар берилиши, ваколатлари муддати тугагач, депутатга ўзининг розилиги билан бошқа лавозимдаги иш, шу жумладан юқорироқ лавозимдаги иш ҳам берилиши мумкинлиги; корхона, муассаса, ташкилот қайта ташкил этилган ёки ходимлари сони (штати) ўзгарган тақдирда депутатга ваколатлари муддати тугаганидан кейин илгариги иш жойи бўйича бошқа аввалгисига тенг лавозим берилиши каби таклифлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунида (16-модда) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг 2019 йил 14 майдаги 04-08-319-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг меҳнат ҳуқуқи қафолатлари таъминлаб қўйилди. Яъни, ўз ваколатлари тугагандан кейин,

депутатларни ишга жойлаштириш масаласи мазкур моддада ўзининг тўла ҳуқуқий ечимини топишига хизмат қилган;

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши; номзодлар ишончли вакилларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сафар харажатлари сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан тўланиши, сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охириги куннинг эртасидан эътиборан бошланиши; нотўғри ахборотни, шунингдек номзодларнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланиши, номзодларга қўйилган талаблар бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига (43,44,71-моддалар) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 23 июлдаги 496-2-сонли далолатномаси). Сайлов кодексига киритилган ўзгартишлар, номзодлар томонидан сайловолди ташвиқотини амалга оширишда бир вақтда бошланиши, номзодларнинг шаъни ва кадр қимматини ҳимоялаш, номзодларга қўйилган талабларни аниқлаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ваколатлари муддати тугаганлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилганлиги муносабати билан аввалги лавозимига (ишига) қайтган тақдирда, меҳнат шартномасининг тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 106-моддасининг 2-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 19 сентябрдаги 06|1-05|848-сонли далолатномаси). Мазкур таклифлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколат муддати тугагандан сўнг, уларга зарурий меҳнат кафолатини ҳуқуқий таъминлашга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган парламент сўровига, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатининг сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашиши, қўмиталарнинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили иштирок этиши мумкинлигига доир таклифлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонунда (12, 20-моддалар) ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси 2019 йил 19 сентябрдаги 06|1-05|848-сонли далолатномаси). Мазкур таклифлар Олий Мажлисдаги ваколатли вакил парламент, депутат сўровларининг ўз вақтида

хамда мазмунан асослантирилган жавоб беришларида ҳукуматнинг фаолиятига яқиндан кўмаклашишига ҳуқуқий ечим сифатида хизмат қилган;

“Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш”га доир концептуал ғоя ва таклифлардан “Юриспруденция” йўналиши талабалари учун “Конституциявий ҳуқуқ” (2019 й., 654-227 рақамли гувоҳнома) дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтининг 2020 йил 25 мартдаги 28-сон маълумотномаси). Натижада ушбу мутахассислик бўйича таълим олаётган бакалаврлар, магистрантлар, шунингдек, давлат ҳокимияти вакиллик органлари аъзоларининг ҳуқуқий билим, ўқув ва илмий кўникмаларининг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро, 8 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та (14 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўн бешта параграфни ўз ичига олган тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларга мослиги, мавзуга оид хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижаси, натижаларнинг жорий қилиниши, апробацияси, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми: назарий ва амалий таҳлил” деб номланади, унда Олий вакиллик органида депутат тушунчаси, мақоми, жамиятда тутган ўрни, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш тартиби, ўзига хос жиҳатлари, депутатлик мандати тушунчаси, моҳияти ва турлари, Қонунчилик палатаси депутатининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми мазмуни, тузилиши, фаолиятининг ҳуқуқий асослари ёритилган.

Қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг самарали амалга оширилиши унинг аъзолари фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Депутатга халқ вакили сифатида жуда муҳим масъулият юклатилади, чунки, унинг фаолияти ортида

бевосита сайловчиларнинг манфаатлари ётади. Депутатнинг ўз ваколатини халқдан олиши ва халқнинг манфаатларига хизмат қилиши эса демократиянинг муҳим кўринишларидан биридир. Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ҳуқуқий ислохотларнинг асосий мақсади ҳам мазкур тизимни амалда таъминлаш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Тадқиқотчи, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати фуқароларнинг вакиллик органидаги вакили сифатида ўз фаолиятларини бевосита сайловчилар билан ҳамкорликда олиб боришлиги, у фуқароларнинг ҳақиқий вакиллик органидаги аъзоси эканлиги, шу асосда улар қонунчилик жараёнида бевосита иштирок этиб, бутун халқнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган қонунлар яратишдаги иштирокига алоҳида тўхталиб ўтади.

Юридик фанда депутатнинг ҳуқуқий мақомини назарий, илмий жиҳатдан асослантиришга ҳаракат қилган ҳуқуқшунос олимлар В.И. Борисов, И.В. Видрин, А.Н. Кокотов, А.А. Илюхов, О.А. Казханов, А.А. Азизхўжаев, О.Т. Хусанов, А.С. Турсуновларнинг фикрларини, илмий таҳлилларини ўрганиш орқали, тадқиқот ишида Қонунчилик палатаси депутати – Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар томонидан номзоди кўрсатилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган, Қонунчилик палатасининг ваколатларини амалга оширишда иштирок этадиган ҳамда фаолияти давомида бутун халқ, қолаверса, ўз сайловчилари манфаатларини ҳимоя қилувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади, деган мустақил таърифни келтириб ўтади. Мазкур таърифда, тадқиқотчи томонидан депутат учун ўз фаолияти даврида бутун халқ, шунингдек, ўз сайловчилари манфаатлари устувор аҳамиятга эга эканлигига ўз эътиборини қаратади.

Тадқиқот ишида депутатларнинг ҳуқуқий мақоми-депутатлик мақомининг сиёсий ва ҳуқуқий тавсифи, унинг вужудга келиши, амал қилиш муддати ҳамда тугалланиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар умумлашмаси, депутатларнинг фаолият йўналишлари, ваколатлари, ташкилий-ҳуқуқий кафолатлари, депутатларнинг жавобгарлиги ҳамда сайловчилар олдидаги ҳисобдорлиги каби масалаларни камраб олинишига алоҳида эътибор қаратилган.

Тадқиқотда ҳар бир депутатликка номзод келажакда қандай вазифа ва мақсадлар асосида фаолият олиб бориши бевосита улар томонидан илгари сурилган ва эълон қилинган сайловолди дастурларида ўз ифодасини топмоғи лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Депутатликка номзод томонидан илгари сурилаётган сайловолди дастури ҳар жиҳатдан янги ривожланиш босқичи талабларидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлса, номзод дастурида аниқ ва мақсадли вазифалар бевосита атрофлича ифодаланса, албатта, сайловларда ғалаба қозониш имконияти вужудга келади. Шунингдек, диссертант томонидан такрорий овоз бериш, такрорий сайлов каби жараёнларнинг аниқ тартибини белгилаш мақсадида, таҳлилий маълумотларга таянган ҳолда

тегишли таклиф ва тавсиялар асослантириб берилган. Хусусан, агар Қонунчилик палатаси депутатининг ваколати муддатидан олдин тугатилганда, Марказий сайлов комиссияси бўш турган ўринга ўша округ бўйича энг кўп овоз тўплаган номзодни тайинлаши тўғрисидаги қондани киритиш лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Илмий нашрларда депутатлик мандати тушунчаси депутатнинг конституциявий ҳуқуқий мақоми тушунчасидан ажралиб туриши зарурлиги таъкидланади. Шу билан бирга, депутатлик мандати депутатнинг конституциявий ҳуқуқий мақомининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилади.

Депутатлик мандати депутатлик фаолиятининг бошланишини, йўналишларини белгилаб берувчи, депутатнинг конституциявий ҳуқуқий мақомини ифодаловчи элементларнинг умумлашган негизидир. Парламентаризмнинг ривожланиш тарихидан маълумки, депутатлар мандатининг асосан икки тури мавжуд бўлиб, императив ва эркин мандатдир. Бу мандатлар ўзаро фарқланувчи хусусиятлари билан ажралиб туради.

Таъкидлаш лозимки, мандат масалалари ривожланган хорижий мамлакатлар конституцияларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Германия Федератив Республикаси Асосий қонунининг 38-моддаси, Италия Республикаси Конституциясининг 67-моддаси, Франция Республикаси Конституциясининг 27-моддаларида халқ вакиллари ўз фаолиятларини эркин мандат асосида амалга оширадилар ва ҳар қандай императив мандат инкор қилиниши мустаҳкамлаб қўйилган.

Мавжуд конституциявий нормаларни, тегишли қонунчилик қоидаларини таҳлил қилиш, ўрганиш орқали тадқиқотчининг фикрича, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунга депутатлик мандатини белгилаб берувчи аниқ қондани киритиш лозим. Яъни, депутатлик мандатини “аралаш мандат” сифатида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ, чунки амалдаги қонунларимизда императив мандатнинг ҳам, эркин мандатнинг ҳам асослари мавжуд.

Асосий Қонунимизнинг 10-моддасида халқ номидан иш юритиш ваколати бевосита Олий Мажлисга ҳам юклатилган. Шундай экан, халқ вакили сифатида депутатлар халқнинг доимо ишончига, ҳурмат-эътиборига сазовор бўлишга ҳаракат қилишлари лозим. Яъни, ўзининг самарали меҳнат фаолияти, жонкуяр фидойилиги билан қонунчилик фаолиятида атрофдагиларга намуна бўлишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ифодаловчи мезонлар ичида конституциявий нормалар алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Конституциясининг 87-88-моддаларида депутатлар ҳуқуқий мақомининг умумий асослари, яъни депутатларнинг асосий вазифалари қайд қилиниб, дахлсизлик ҳуқуқи ва депутатлик фаолиятига ҳақ тўлаш каби умумий масалалар тартибга солинган.

Тадқиқотчи томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг мақомини конституциявий нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, бир қанча мезонларга қараб тизимлаштирган. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг сайланишига қўйилган талаблар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатларнинг мажлисларда иштироки ва овоз бериш натижаси доираси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг қонунчилик жараёнидаги иштироки миқёси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида масъул лавозимларга сайланиш жараёни, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмита ва комиссияларида фаолият олиб бориши тартиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг кафолатлари мезонлари ажратиб кўрсатилган.

Тадқиқот ишида хорижий мамлакатлар конституцияларида депутатнинг конституциявий мақомини белгилаб берувчи нормаларига фикр ва мулоҳазалар билдирилган ҳамда таҳлил қилинган. Хусусан, Польша Республикаси Конституцияси (102-108), Португалия Республикаси Конституцияси (152-163), Япония Конституцияси (52-53), Россия Федерацияси Конституцияси (97-98), АҚШ Конституцияси (1- моддаси 2, 6 бўлимлари), ГФР Конституцияси (38, 46, 47), Франция Республикаси Конституцияси (25, 26, 27) моддалари қиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Депутатнинг ҳуқуқий мақоми, унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти, ҳуқуқ нормаларида мустақамланган ҳамда тегишли тарзда кафолатланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуидан иборат. Депутатлик ҳуқуқий мақомининг ижтимоий-сиёсий моҳияти шундаки, депутат биринчидан, ваколатли халқ вакили, иккинчидан, давлат ҳокимиятининг вакили, учинчидан эса коллегиял вакиллик органининг аъзоси. Депутатлик мақоми билан боғлиқ масалаларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши депутатлик фаолиятининг тўсқинликсиз ва самарали амалга оширилишини таъминлайди, унинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлаш билан бир қаторда, депутатнинг халқ ва жамият олдидаги мажбуриятини кучайтиради.

Диссертациянинг иккинчи боби “Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутат фаолиятининг ташкилий - ҳуқуқий масалалари” деб номланиб, унда Қонунчилик палатаси депутати ваколатларининг бошланиши ҳамда тугатилишининг ўзига хос жиҳатлари, Қонунчилик палатаси депутатининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш тартиби, сиёсий партия фракцияларида депутатларнинг иштироки, вазифалари, Қонунчилик палатаси кўмита ва комиссияларида депутатларнинг фаолияти ҳамда ваколатлари, Қонунчилик палатаси депутатининг ялпи мажлислардаги иштироки жараёни ва тартиби каби масалалар ёритилган.

Тадқиқотчи юридик фанда депутатнинг сайланиш муддатларини назарий, илмий жиҳатдан асослантиришга ҳаракат қилган ҳуқуқшунос олимлар С.А.Авакьян, А.С.Турсунов, О.Т.Хусанов каби олимларнинг фикр ва мулоҳазаларини таҳлил қилиш орқали, қисқа вақт мобайнида депутат ўз олдига қўйилган вазифаларни талаб даражада бажара олмаслигига, депутат қисқа муддатда сайловчилар, парламент олдидаги ўз мавқеини,

имкониятларини кўрсата олмаслигига, узоқ муддат эса суистеъмолликка, фаоллигининг сусайишига, ўз ваколатига ҳаддан ташқари ишониб юбориш ҳолатларини келтириб чиқариши мумкинлигига ўз эътиборини қаратади.

Франция Республикаси қонунчилигида парламент аъзоси ваколатлари кучга кирганидан бошлаб 2 ой ичида палата бюросига ўз шахсий мол-мулки, эр-хотиннинг умумий мол-мулки миқдори тўғрисида декларация тақдим этиши шарт. Депутат ўз ваколатлари муддати тугашидан камида икки ой ва кечи билан бир ой олдин янги декларация тақдим этишлиги белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда давлат бошқарувида олиб борилаётган ислохотлардан, қонун устуворлиги принципларидан келиб чиқиб, қонунчилик ҳужжатларига, яъни депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлган қонунларга мазкур тартиб-қонидани киритиш, яъни даромадлар, харажатлар, мулкӣ мажбуриятлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш таклифи илгари сурилган.

Тадқиқот ишида “Сиёсий партия фракцияси тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш таклифи илгари сурилади. Мазкур Қонунда фракциянинг тўлик ва қисқартирилган номи; тузилиши; раис ва ўринбосарларини сайлаш тартиби; фракциянинг раҳбар органларини сайлаш тартиби; палата мажлисларида фракция номидан чиқадиган шахсларни белгилаш тартиби; бошқа давлат органлари, жамоат бирлашмаларида фракция манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг номидан вакил бўлиш тартибини белгилаш; қарор қабул қилиш тартиби; фаол бўлмаган фракция аъзоларига нисбатан таъсир этиш чоралари каби масалалар ёритиб берилиши таъкидланган.

Тадқиқотчи томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси—Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатлари муддатига тузиладиган, Қонунчилик палатаси ваколатлари доирасига кирувчи масалаларни ҳал қилишга кўмаклашадиган, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига амал қиладиган ҳамда ўз таркибида доимий асосда фаолият олиб боровчи сиёсий партия фракциялари вакилларини бирлаштирувчи Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг асосий ишчи органидир, деган муаллифлик таърифи илгари сурилган. Шунингдек, “Муҳолифат сиёсий партия фракцияси тўғрисида”ги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилиб, илмий-амалий жиҳатдан асослантирилган.

Тадқиқот ишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси аъзолари ўз мутахассислиги, фаолият йўналиши билан боғлиқ бўлмаган қўмиталарга аъзо бўлиб қолиш ҳолатлари учраётганлиги, шу мақсадда қўмита таркибини шакллантиришда маълум мезонлар асоси белгиланиб олинishi, яъни касби бўйича мутахассислиги, эркин билдирган хоҳиш-иродаси, ишлаган жойи, амалий кўникмаси, ҳаётӣ тажриба каби ҳолатларга эътибор қаратиш лозимлиги таклиф этилди.

2015-2019 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахбороти 285 маротаба эшитилди. Шундан, 2015 йилда – 35 та; 2016 йилда – 27 та; 2017 йилда – 33

та; 2018 йилда – 53 та; 2019 йилда – 137та. 2015-2019 йилларда Қонунчилик палатаси кўмиталарида кўриб чиқилган қонун лойиҳалари (жами 617 та) тани ташкил қилган¹.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг муҳим фаолият йўналишларидан бири бу, унинг ялпи мажлислардаги иштирокидир. Ялпи мажлис бутун Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг тўлиқ таркиби иштирок этадиган (истисно ҳоллардан ташқари) жараён бўлиб, белгиланган тартиб-тамойил бўйича ўтказиладиган ва тегишли қарор қабул қилинадиган йиғилишдир.

Парламент ўзининг асосий ваколатларини сессияларда амалга оширади. Ривожланган давлатларда парламент сессиялари бир йилда бир мартадан тўрт мартагача чақирилиши мумкин. Баъзи давлатларда сессияларни ўтказиш тартиби Регламентларида, Конституцияларида ҳам белгиланган (Норвегия, Швеция, Италия, АҚШ), баъзи давлатларда, масалан ГФРда парламентнинг ўзи томонидан белгилаб қўйилади. Тадқиқотчи томонидан парламент сессияларига тизимли тарзда қатнашмайдиган депутатларга нисбатан ривожланган давлатлар тажрибаларига таянган ҳолда интизомий жавобгарлик чораларини кучайтириш лозимлигига эътиборини қаратган.

Диссертациянинг учинчи боби “Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг кафолатлари” деб номланиб, унда депутат фаолияти кафолатлари тушунчаси, турлари ва тавсифловчи хусусиятлари, Қонунчилик палатаси депутатининг дахлсизлик масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш, Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий, моддий ҳамда ижтимоий кафолатлари каби масалалар тадқиқ қилинган.

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламентида, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида, Меҳнат кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутат фаолиятининг кафолатлари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий нормалар илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинди. Мазкур таҳлилларда, АҚШ, ГФР, Россия Федерацияси, Франция, Италия, Корея, Туркия Республикалари, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Испания каби давлатлар конституциялари ва махсус депутатлик мақоми билан боғлиқ қабул қилинган қонунлар илмий-таҳлилий жиҳатдан ўрганилган.

Тадқиқотчи томонидан, депутатлар фаолиятининг кафолатларини қўйидаги турларга бўлиб ўрганиш лозимлиги таклифи билдириб ўтилган: депутат дахлсизлиги (иммунитети); меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари; моддий кафолатлар; ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар; ижтимоий кафолатлар. Депутатлик дахлсизлиги – бу депутатлик фаолиятининг ўзига хос ҳуқуқий тизими бўлиб, у жавобгарликдан бўйин товламасликни, шунингдек, асоссиз айбловларни қўйишга йўл қўймасликни англатади.

¹ Учинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолияти тўғрисидаги Ахбороти (2019 йил). <http://parliament.gov.uz/uz/info/analytical-reports/>.

Франция Республикаси Конституциясининг 26-моддасига кўра, Миллий Мажлис депутати агар жиноят устида ушланган бўлса, унга дахлсизлик ҳуқуқи қўлланилмайди. Бундай қоида Россия Федерацияси, ГФР, Бразилия Федератив Республикаси, Украина, Беларусь, Польша Республикалари қонунчилигида ҳам кузатиш мумкинлиги тадқиқот ишида таъкидлаб ўтилади.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушлаб турилиши мумкинлиги борасида депутатлик фаолиятига тааллуқли бўлган тегишли қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш таклиф этилади.

Тадқиқот ишида депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлган тегишли қонунларга Қонунчилик палатаси депутатларига доимий фаолият юритувчи ёрдамчилар тайинлаш, ёрдамчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кафолатлари ҳамда жавобгарлигини белгилаш масаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, муаллиф томонидан, “Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ёрдамчиси тўғрисида”ги алоҳида Низом лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Амалдаги қонунчиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз ваколатлари муддати тугаганидан кейин, пенсия ёшига етгач уларга бериладиган моддий имтиёзлар хусусида тегишли тартиб-қоида мустақамланмаганлиги, шу мақсадда тегишли қонун ҳужжатларида ушбу масалалар ўз ифодасини топиши асослантирилади.

Диссертациянинг тўртинчи боби “Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутат фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари” деб номланиб, мазкур бобда парламент назоратини амалга оширишда депутатлар фаоллигини ошириш, Қонунчилик палатаси депутатининг қонунчилик жараёнидаги иштирокини кучайтириш зарарурияти, Қонунчилик палатаси депутатининг сиёсий партиялар ҳамда сайлов округидаги фуқаролар манфаатларини таъминлашдаги фаолиятини янада такомиллаштириш каби масалалар ёритилган.

Қонунларга риоя қилиш, уларни ижро этиш ва қонун нормалари билан тартибга солишга эҳтиёж туғилаётган жамиятдаги ижтимоий муносабатларни аниқлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини ижтимоий ҳаёт талаблари билан мунтазам уйғунлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан амалга ошириладиган парламент назорати муҳим амалий аҳамият касб этади. Парламент назорати, шунингдек мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш ва фуқаролар онгида қонунга ҳурмат руҳини шакллантиришда ҳам зарур восита бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотчи томонидан, ҳуқуқшунос олимлар Б. Мирбобоев, А.С.Турсунов, М.М.Миракуловларнинг парламент назорати, парламент эшитируви, парламент сўрови каби парламент назорати шаклларида самарали фойдаланишлари каби масалаларда билдирган фикр ва мулоҳазаларини умумлаштирган ҳолда, тадқиқотчи томонидан қуйидаги таъриф келтириб ўтилади, яъни парламент назорати – бу мустақил ва

қонуний, тизимли вакиллик органи фаолияти бўлиб, унинг палаталари, кўмита ва комиссиялари, палата аъзоларининг ижро ҳокимияти, бошқа давлат органлари ёки муасасаларининг инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя қилинишини таъминлаш ҳамда конституциявий ва жорий қонунларнинг ижросини назорат қилиш фаолияти ҳисобланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2015-2019 йилларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари юзасидан 28 та парламент сўрови киритилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан юборилган депутат сўрови таҳлилларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2019 йилнинг ўзида 304 та депутат сўрови юборилган (2016 йилда – 26 та, 2017 йилда – 319 та, 2018 йилда – 207 та)¹.

2020 йилнинг январь-март ойларида эса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан юборилган депутатлик сўровлари 109 тани ташкил этган². Шу билан бирга, тадқиқотчи томонидан юборилаётган депутат сўровининг сифат ва мазмунига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертацияда, Олий Мажлисга қонунларнинг ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш ваколатининг конституциявий нуқтаи назардан белгиланиши, ҳозирги парламент соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг янги босқичига кўтарилишининг зарурий мезони ҳисобланиши юзасидан тегишли муаллифлик таклиф, тавсиялари илгари сурилади.

Диссертант Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг қонунчилик жараёнидаги иштирокини кучайтириш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ўз сайлов округидаги сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш жараёнида кўтариладиган асосий масалаларни ўз вақтида ҳал этиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ваколат муддати даврида сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатларини кучайтириш лозимлигига алоҳида эътиборини қаратади. Тадқиқотчи томонидан мазкур ўтказилган ижтимоий сўров натижаларининг таҳлилининг диссертация ишида илова тарзида келтириб ўтади.

Депутатлар фаолияти амалга оширилишининг муҳим шаклларида бири уларнинг сайлов округларидаги фаолиятидир. Ўзбекистон қонунчилигида депутатларнинг бу соҳадаги фаолияти учун ҳам маълум бир ҳуқуқлардан фойдаланиш асоси яратилган. Бу ҳуқуқлар депутатларнинг сайловчилар билан доимий алоқа ўрнатиш имконияти мавжудлигида намоён бўлмоқда.

¹ Учинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолияти тўғрисидаги Ахбороти (2019 йил). <http://parliament.gov.uz/uz/info/analytical-reports/>.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи чорак фаолияти тўғрисидаги Ахбороти (2020 йил). <http://parliament.gov.uz/uz/info/analytical-reports/>.

Таъкидлаш лозимки, агар депутат ўз фаолиятини самарали олиб боришни ва кейинги муддатга қайта сайланишни режалаштирса, у сайловчилар билан доимий алоқада бўлиб, уларга вакиллик органининг иши тўғрисида маълумот бериб туриши керак; вакиллик органи қабул қилган қарорлар тўғрисида; вакиллик органида ҳам, округда ҳам (ёки депутатларни сайлаш бўйича партиялар рўйхатида кўрсатилган ҳудудда) унинг фаолияти тўғрисида маълумот бериб туриши лозим.

Дарҳақиқат, тадқиқотчи томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати фуқароларнинг вакиллик органидаги аъзоси сифатида ўз фаолиятларини сайловчилар билан ҳамкорликда олиб бориши, қонунчилик жараёнида бевосита иштирок этиб, бутун халқнинг ҳуқуқий қафолатини таъминлашга қаратилган қонунлар яратишда қатнашиши, энг муҳими, ўз маънавиятининг юксаклиги, олийжаноб хислатлари, жамиятда юксак мавқеда туриб, пок, ҳалол, теран фикрлай олиш истеъдоди билан атрофдагиларга ўрناк бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланади.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати фаолиятини такомиллаштиришни конституциявий ҳуқуқ фани нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, диссертация тадқиқоти олдига қўйилган вазифаларнинг ечимини топишга, илмий-амалий хулосаларга келишга, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштиришга оид қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари сурмоқдамиз.

Илмий-назарий хулосалар:

1. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг Олий вакиллик органи тизимидаги ўрнидан келиб чиқиб, қуйидагича муаллифлик таърифини илгари сурмоқчимиз. “Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар томонидан номзоди кўрсатилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган, Қонунчилик палатасининг ваколатини амалга оширишда иштирок этадиган ҳамда фаолияти давомида бутун халқ, қолаверса, ўз сайловчилари манфаатларини ҳимоя қилувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Қонунчилик палатаси депутати ҳисобланади”.

2. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг мақомини қуйидаги бир қанча мезонларга қараб тизимлаштириш мақсадга мувофиқдир: Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг сайланишига қўйилган талаблар; Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатларнинг мажлисларда иштироки ва овоз бериш натижаси доираси; Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг қонунчилик жараёнидаги иштироки миқёси; Олий Мажлис Қонунчилик палатасида масъул лавозимларга сайланиш жараёни; Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

қўмита ва комиссияларида фаолият олиб бориши тартиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг кафолатлари.

3. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси – бу Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатлари муддатига тузиладиган, Қонунчилик палатаси ваколатлари доирасига кирувчи масалаларни ҳал қилишга қўмаклашадиган, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига амал қиладиган ҳамда ўз таркибида доимий асосда фаолият олиб боровчи сиёсий партия фракциялари вакилларини бирлаштирувчи Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг асосий ишчи органидир, деган муаллифлик таърифи илгари сурилди.

4. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатларнинг қўмиталарда олиб борадиган фаолият шакллари куйидаги кўринишларда ифодалаш мумкин: 1) Қўмиталар мажлисларида қатнашиши; 2) Маҳаллий кенгашлар доимий комиссиялари фаолиятида иштирок этиши; 3) Жойларда қонунларнинг ижросини назорат қилишдаги фаолияти; 4) Қўмита раиси, ўринбосарларининг топшириқларини бажаришдаги шахсий мажбурияти; 5) Депутатларнинг қўмиталар ҳузуридаги ишчи гуруҳлар фаолиятидаги иштироки; 6) Депутатларнинг қўмиталар томонидан ташкил этиладиган сиёсий, ҳуқуқий тадбирлардаги иштироки.

5. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси комиссияси – бу Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатлари доирасида масалаларни ҳал қилишга қўмаклашадиган, муайян вазифани бажариш мақсадида ташкил этиладиган, фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига амал қилувчи ҳамда ўз фаолиятини вақтинчалик асосда олиб борадиган Қонунчилик палатасининг махсус ишчи органидир, деган муаллифлик таърифи илгари сурилди.

6. Депутатлар фаолиятининг кафолатларини куйидаги турларга бўлиб ўрганиш лозим деб ўйлаймиз: депутат дахлсизлиги (иммунитети); меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари; моддий кафолатлар; ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар; ижтимоий кафолатлар. Мазкур кафолат турларида депутатлик фаолиятини кафолатлайдиган зарурий мезонлар назарий, илмий жиҳатдан таҳлил қилиниб, асослантирилиб берилди.

7. Муаллифлик таърифи сифатида, парламент назорати – бу мустақил ва қонуний, тизимли вакиллик органи фаолияти бўлиб, унинг палаталари, қўмита ва комиссиялари, палата аъзоларининг ижро ҳокимияти, бошқа давлат органлари ёки муасасаларининг инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя қилинишини таъминлаш ҳамда конституциявий ва бошқа қонунларнинг ижросини назорат қилиш фаолияти ҳисобланади.

8. Олий Мажлис палаталари парламент назорати шаклларида самарали фойдаланишлари орқали, парламент, депутат сўрови бўйича олинган жавобларни интернетдаги расмий веб-сайтларда кенг жамоатчилик учун эълон қилишни ташкил этиш тартибининг амалда тадбиқ этилиши ўзининг ижобий жиҳатдан самарасини бериши илмий жиҳатдан асослантирилди.

Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар:

1. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 71-моддасида Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларга қўйиладиган талабларда “давлат тилини яхши биладиган” деган норманинг мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки, депутат сифатида сайланган округда, айниқса чекка ҳудудларда асосий қисм аҳоли ўзбек тилида сўзлашади ҳамда иш ҳужжатлари ўзбек тилида юритилади. Баъзи ҳолатларда миллати ўзбек бўла туриб, давлат тилини яхши билмайдиган депутатлар йўқ, деган кафолатни ҳеч ким бера олмайди. Албатта, бу талабларга сиёсий партиялар сайловларда номзодларини кўрсатаётганларида эътиборларини қаратишлари, қолаверса, жавобгарликни ҳам ўз зиммаларига олишлари лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 59-моддасига биноан, Қонунчилик палатаси депутатнинг сайловида сайлов округи бўйича икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан ҳеч бири сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш бўйича қарор қабул қилади. Аммо мазкур моддада, икки номзоддан бири ўз номзодини қайтариб олса ёки бошқа сабабларга кўра қатнаша олмаса, ундай ҳолатда қандай тартиб амалда бўлади, деган масала назарда тутилмаган. Бизнинг фикримизча, шундай ҳолат юз берса, Сайлов кодексининг 59-моддасини тўлдирган ҳолда, агар бирор номзод воз кечадиган бўлса, унинг ўрнини кейинги ўринда кўп овоз олган номзод тўлдирди, деган қонун киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

3. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунга депутатлик мандатини белгилаб берувчи аниқ қонун киритиш лозим. Бизнинг назаримизча, депутатлик мандатини “аралаш мандат” сифатида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ, чунки амалдаги қонунларимизда императив мандатнинг ҳам, эркин мандатнинг ҳам асослари мавжуд. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида, белгиланган депутатларнинг сайловчилар олдида ахборот бериб туриши ҳақидаги қонун бевосита эркин мандатни ифодаласа, шу модданинг ўзида сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган депутат қонунда белгиланган тартибда чақириб олиниши мумкинлиги акс этирилгани эса императив мандатнинг кўринишини ифодалайди.

4. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ваколати муддатидан олдин тугатилганда, бўш турган ўринга номзод тайинланиш масалаларини амалдаги қонун ҳужжатларида ифода этиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 74-моддасига кўра, Қонунчилик палатасига сайланган айрим депутатларнинг ваколатлари ҳақиқий эмас, деб топилган тақдирда, сайловчилар томонидан депутат чақириб олинганда ва бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин

тўхтатилган ҳолларда тегишли сайлов округларида янги сайлов ўтказилади. Ушбу моддага ўзгартиш киритиб, агар Қонунчилик палатаси аъзосининг ваколати муддатидан олдин тугатилганда, Марказий сайлов комиссияси бўш турган ўринга ўша округ бўйича энг кўп овоз тўплаган номзодни тайинлаши тўғрисидаги қонун киритиш лозим. Агар номзод депутатлик ўрнига хоҳиш билдирмаса, ундан кейинги энг кўп овоз тўплаган номзод тайинланиши мумкин.

5. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига, депутатлик қасамёди ва унинг матнини киритиш лозим. Қасамёд матни куйидагича ифодаланиши мумкин: “Қонунчилик палатаси депутати сифатида, ўз зиммамга юклатилган барча ҳуқуқ ва мажбуриятларни виждонан ҳамда ҳалол бажаришга, бутун халқ манфаатларини Конституция ва қонун доирасида таъминлашга тантанали қасамёд қиламан”. Депутат томонидан янги шаклланган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида юқоридаги мазмунда қасамёд қабул қилиниши, ўз навбатида, унинг сайловчилар олдидаги масъулиятининг ошишига, муайян ҳуқуқий оқибатнинг келиб чиқишига, ишонч, сезгирлик ва талабчанлик руҳида фаолият олиб боришга муҳим туртки бўлиб хизмат қилади.

6. Парламент фаолиятига доир қонунларимиз мазмунан, моҳиятан, тизимлаштириш нуқтаи назардан бир бирига яқин қонунлар ҳисобланади. Мазкур қонунларни тизимлаштирган ҳолда ягона “Парламент кодекси”ни ишлаб чиқиш лозим. Бу парламент аъзоларига ҳам, тегишли давлат хизматчиларига ҳам, энг асосийси фуқароларимизга ҳам қулайлик яратади. Бу ҳам бизнинг парламент соҳасидаги ўзига хос тажрибамиз ҳисобланган бўларди.

7. Ривожланган хорижий мамлакатларда халқ вакиллари ўз лавозимида киришганидан кейин, мол-мулки юзасидан декларация тақдим этади. Мамлакатимизда давлат бошқарувида олиб борилаётган ислохотлардан, қонун устуворлиги принципларидан келиб чиқиб, қонунчилик ҳужжатларига, яъни депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлган қонунларга мол-мулки тўғрисидаги Декларацияни амалда жорий қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

8. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига биноан, сиёсий партиядан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлардан “агарда 9 нафар депутати сайланмай қолса, унда улар қандай фаолият юритиши мумкинлиги тўғрисидаги нормани” мустаҳкамлаб қўйиш зарур. Шунингдек, мазкур қонунда фракция аъзолигидан чиқиш хоҳишини билдирган депутатнинг кейинги мақоми ҳақидаги нормани киритиш лозим.

9. “Сиёсий партия фракцияси тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Мазкур қонунда фракциянинг тўлиқ ва қисқартирилган номи; тузилиши; раис ва ўринбосарларини сайлаш тартиби; фракциянинг раҳбар органларини сайлаш тартиби; палата мажлисларида фракция номидан номзоди қўйиладиган депутатларни сайлаш (тайинлаш)

тартиби; бошқа давлат органлари, жамоат бирлашмаларида фракция манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг номидан вакил бўлиш тартибини белгилаш; қарор қабул қилиш тартиби; фаол бўлмаган фракция аъзоларига нисбатан таъсир этиш чоралари каби масалалар ёритиб берилди.

10. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ эса, Қонунчилик палатасининг камида 9 нафар депутати эмас, 12 нафар депутати фракция тузиш ҳуқуқига эга деб белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Чунки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг масъулияти ва жавобгарлигини кучайтиради; иккинчидан, сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобатнинг кучайишига имкон яратади; учинчидан, ҳозирда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларда номзодлар фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши сиёсий партияларнинг фаоллашувига туртки бўлади, тўртинчидан, жамиятда сиёсий партияларнинг кенгрок сайловчилар доирасини қамраб олишига имкон яратиб беради.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги “Мухолифат сиёсий партия фракцияси тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Макур Низомда мухолифат сиёсий партия фракцияси ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мухолифат сиёсий партия фракцияси томонидан парламент эшитувлари ва суриштирувларини ташкил қилиш, мухолифат сиёсий партия фракцияси депутатлари ваколатларини амалга оширишдаги кафолатлар каби масалалар тартибга солинади.

12. Тегишли қонунларимизда ҳукуматга нисбатан ўзини мухолифат деб эълон қилган партия фракцияларига қуйидаги ҳуқуқларнинг мустаҳкамлаб кўйилиши, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Буларга: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан ўзининг юборган сўровлари асосида тегишли маълумотларни ҳамда улар қабул қилган ҳужжатлардан нусхалар олиш; Вазирлар Маҳкамаси, ижро ҳокимияти органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслар фаолиятининг доимий мониторингини олиб бориш; Парламент назорати доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилишни амалга ошириш; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолияти дастурига нисбатан муқобил таклифларни тайёрлаш; ҳукумат томонидан киритилган қонун лойиҳасига нисбатан муқобил лойиҳани киритиш; Давлат дастурига нисбатан муқобил лойиҳани ишлаб чиқиш ва ҳоказолар.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонунда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерини сайлашда депутатлар умумий сонининг учдан икки қисми овозини олиш қонидаси мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, Қонунчилик палатаси Спикерини ваколат муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тартибида ҳам айнан депутатларнинг учдан икки қисми овоз бериши талаб этилади. Асосийси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери лавозимининг ўта маъсулиятли эканлиги ва Спикернинг Қонунчилик палатаси фаолиятига бевосита бошчилик қилиши назарда тутилмоқда.

14. Ўзбекистон Конституциясининг 81-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари ўтказилиши белгилаб қўйилган. Бундай ҳолатларга: Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда; Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда; хорижий давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда; палаталарнинг келишувига биноан бошқа масалалар юзасидан ўтказилади. Мазкур ҳолатлар тартибига, “Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдирилганда” нормаси ҳам киритилиши мақсадга мувофиқдир.

15. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 13 - моддасига, Қонунчилик палатаси депутатлари, агар жинойт устида ёки бевосита уни содир этгани ҳолатида қўлга тушса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушлаб турилиши мумкинлиги, шунингдек, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тинтув қилиниши, шахсан текширилиши мумкинлиги тўғрисидаги қонидани мустаҳкамлаб қўйиш лозим. Ушбу қониданинг киритилиши, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида белгилаб қўйилган, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципининг устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

16. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига ёрдамчилар тайинлаш масаласи “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунда алоҳида модда сифатида белгиланиши лозим. Бу биринчидан, келажакда депутат ёрдамчисини жамоатчилик асосида ишлайдиган ходим эмас, асосий иккита штат бирлигида фаолият олиб борадиган, иккинчидан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида, ҳамда ўзи сайланган сайлов округида мазкур лавозим жорий қилинса, яъни, депутатнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ёрдамчиси учун давлат бюджети томонидан, сайлов округидаги ёрдамчиси учун сиёсий партия маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланадиган лавозими шакллантирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу мақсадда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ёрдамчиси тўғрисида”ги алоҳида Низом ишлаб чиқиш лозим.

17. Амалдаги қонун ҳужжатларига, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳаёти ва соғлиғини мажбурий суғурталаш, шунингдек, уларга тиббий ва коммунал хизматлар масалаларида имтиёзлар яратиб бериш, пенсия ёшига етгач уларга бериладиган моддий имтиёзлар хусусида тегишли тартиб-қоида қафолатларини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир. Мисол тариқасида, икки муддатдан ортиқ депутатлик ваколатларини амалга оширган фуқароларга махсус нафақалар тайинлаш,

малакали тиббий хизматдан текин фойдаланиш, санаторийлар, дам олиш масканларига имтиёзли йўлланмаларга эга бўлиш каби кафолатлар шулар жумласидандир.

18. Янги тараққиёт босқичида Олий Мажлис томонидан қонунларнинг ижросини назорат қилишга оид тизимли ишларнинг амалга оширилаётганлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузаларида билдирилаётган таклиф ва мулоҳазалардан, Олий Мажлис палаталарининг қонунларнинг ижросини таъминлашга оид фаолиятини кучайтириш нуқтаи-назаридан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасини қуйидагича тўлдириш мақсадга мувофиқ: Яъни, 76-моддада: Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, **қонун чиқарувчи ҳокимиятни ва қонунларнинг ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширади.** Парламент қонунлар қабул қилдими, мазкур қонунларнинг ижросини назорат қилиш функцияси ҳам унинг асосий вазифаси бўлиши лозим.

19. Амалдаги қонунларимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сўровини дастлаб сиёсий партия фракцияси мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим этиш ҳамда депутатлик сўровининг сиёсий партия фракцияси аъзоларининг кўпчилиги томонидан маъқуллангандан кейин юбориш тартиби белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ. Бундай тажрибани ГФР, Грузия давлатларида ҳам кузатиш мумкин. Албатта, бу қоида бир жиҳатдан депутатлик сўрови ҳуқуқидан фойдаланиш тартибини чегаралаб қўйиши мумкин. Аммо мазмун, сифат, натижа масалаларини ҳам назардан четда қолдирмаслигимиз керак. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси девони ҳам юборилаётган депутатлик сўровларини расмийлаштириш, умумлаштириш ҳамда доимий мониторингини олиб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлади.

20. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасини таҳлил қиладиган бўлсак, “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда” қоидаси белгиланган, аммо “зиддиятлар доимий тус олган ҳолда” деган қоиданинг аниқ асослари мустаҳкамланмаган. Яъни қайси ҳолатларда зиддиятлар юзага келиши очиб берилмаган. Мазкур зиддиятларга Конституциянинг 78-моддаси, 15-банди бўйича, Олий Мажлис палаталари бир неча марта Бош вазирнинг берган ҳисоботидан қониқиш ҳосил қилмаса; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасидаги, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун тақдим этган ташаббусига биноан; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонуннинг 21-моддасидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисоботидан бир неча марта

қониқиш ҳосил қилмаса ва шунга ўхшаш асосларни мазкур моддада белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

21. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты мурожаатини Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига, парламент назорати шакллари тури сифатида киритиб, мазкур янги шаклни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадга мувофиқ. Яъни, депутат фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда, уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга оғзаки, ёзма ва электрон тарзда мурожаат этишга ҳақли. Депутатлик ваколатлари доирасида маълумот ва ахборотларни олиш ҳуқуқига эга.

22. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 26-моддасида, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланган тартибда бекор қилинади деб, белгилаб қўйилган. Амалдаги қонунларимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан Маҳаллий кенгашлар ўртасида ўзаро муносабатлар деярли тартибга солинмаган. Шу мақсадда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракциялари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни кучайтириш ва ўзаро ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

23. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси, иккинчи қисмидаги “Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш” нормасига, **ҳамда қонунларнинг ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш**” қонунларини қўшимча сифатида киритиш мақсадга мувофиқ. Олий Мажлисга қонунларнинг ижросини назорат қилиш ваколатининг берилиши, ҳозирги парламент соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг янги босқичига кўтарилишининг зарурий мезони ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.32/30.12.2019.Yu.74.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ЗУЛФИКАРОВ ШЕРЗОД ХУРРАМОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДЕПУТАТА
ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЙ ПАЛАТЫ ОЛИЙ МАЖЛИСА РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН (СРАВНИТЕЛЬНО – ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ)**

**12.00.02 – Конституционное право. Административное право.
Финансовое и таможенное право**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (DSc)**

Ташкент - 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № _____

Диссертация выполнена в Военно-техническом институте Национальной гвардии Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме) на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:	Турсунов Ахтам Саломович доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Селиманова Светлана Михайловна доктор юридических наук, профессор
	Тулаганов Абдуманноп Абдужабборович доктор юридических наук, доцент
	Якубов Шухрат Умматалиевич доктор юридических наук, доцент
Ведущая организация:	Университет мировой экономики и дипломатии

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в __. __ часов на заседании Научного совета DSc.32/30.12.2019.Yu.74.01 по присуждению ученых степеней при Военно-техническом институте Национальной гвардии Республики Узбекистан (Адрес: 100109, Ташкентская обл., Зангиатинский р-н, курган Чорсу. Тел.(99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50; mg-hti@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Военно-технического института Национальной гвардии Республики Узбекистан (зарегистрировано за № ____). (Адрес: 100109, Ташкентская обл., Зангиатинский р-н, курган Чорсу. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (+99871) 230-32-50).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(протокол реестра № _ от «__» _____ 2020 года).

М. Х. Рустамбаев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ю.н., профессор

М.Х.Ахмедова
учёный секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.ю.н., доцент

М. Б. Усмонов
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ю.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Когда в мире происходят общественно-политические процессы, перед органами государственной власти стоят новые задачи, интересы народа приобретают первостепенное значение, исследование вопроса роли и эффективности депутатов в системе представительных органов государственной власти является очень актуальным. Эффективность проводимых политико-правовых реформ во многом тесно связана с демонстрацией профессионализма депутатов. На новом этапе развития одной из актуальных задач является улучшение правовых, организационных аспектов таких вопросов, как обеспечение депутатами общенациональных интересов, усиление роли в качестве представителей народа, повышение активности как субъекта парламентского контроля. В частности, разработка конкретных предложений и рекомендаций по эффективному внедрению конституционных норм и их закрепление в законодательстве является одной из актуальных научных задач.

При определении статуса депутатов в мировой системе парламентаризма имеет важное практическое значение проведение самостоятельных исследований по вопросам, связанным с выполнением ими своих прав и обязанностей, гарантиями депутатской деятельности. Следует отметить, что в настоящее время, анализ законодательства о деятельности депутатов в качестве члена Высшего представительного органа говорит, что существуют определенные проблемы в правовом статусе, полномочиях, задачах реализации парламентского контроля, деятельности в избирательном округе, активном участии в законодательном процессе, процессе достаточного использования своих прав, гарантированных законом. Поэтому данная исследовательская работа представляет актуальное значение при научном анализе правовой природы этих задач. Как отмечает Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев: «Сегодня само время требует от всех нас, прежде всего, представителей политических партий, депутатов и сенаторов, быть не только участниками, но и инициаторами и главными исполнителями масштабных реформ в нашей стране, показывать пример для остальных»¹.

В нашей стране в целях совершенствования деятельности Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан и депутатов реализуются масштабные программные меры. В соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, ведется системная работа повышения роли Олий Мажлиса в совершенствовании системы государственного и общественного строительства, расширении его полномочий по решению

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – С.541.

важных вопросов внутренней и внешней политики и осуществлению парламентского контроля над деятельностью исполнительной власти¹.

Настоящее диссертационное исследование в определенной мере служит реализации Конституции Республики Узбекистан (1992), конституционного закона “О Законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан” (2002), законов “О статусе депутата Законодательной палаты и члена Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан” (2004), “О парламентском контроле” (2016), а также Указов Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, от 2 марта 2020 года №УП-5953 «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития» и иных актов отраслевого законодательства.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики»

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Научные исследования по совершенствованию деятельности членов парламента проводятся в ведущих мировых научных центрах и высших образовательных учреждениях, в частности Australian Parliamentary Library, Australian National University (Австралия), Stanford Law School, New York University, University of Michigan, Harvard University, Washington University School of Law (США), Cambridge University, Oxford University, University of Bradford (Великобритания), Universität der Bundeswehr München, Humboldt-Universität zu Berlin (Германия), Pantheon Sorbonne, University of Bordeaux (Франция), University of Toronto (Канада), University of Geneva (Швейцария), University of Tsukuba, University of Nagoya, (Япония), Московском государственном университете, Центре правовых исследований и развития законодательства (Российская Федерация), Институте проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан, Ташкентском государственном юридическом университете (Узбекистан).

В результате проведения мировых исследований по улучшению работы парламента и членов парламента был достигнут ряд научных результатов.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

² Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: <https://www.aph.gov.au>, <https://www.anu.edu.au>, www.law.stanford.edu, <https://www.nyu.edu>, <https://www.umich.edu>, <https://www.harvard.edu>, <https://www.law.wustl.edu>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://www.cam.ac.uk>, <https://www.bradford.ac.uk>, <https://www.unibw.de>, <https://www.hu-berlin.de>, <https://www.pantheonsorbonne.fr>, <https://www.u-bordeaux.fr>, <https://www.utoronto.ca>, <https://www.unige.ch>, <http://www.tsukuba.ac.jp>, <http://www.en.nagoya-u.ac.jp>, <https://www.msu.ru>, <http://www.centrlaw.ru>, <http://www.tsul.uz>

Так: обоснована необходимость совершенствования парламентских процедур в обеспечении полномочий парламента (Oxford University); указаны механизмы сотрудничества парламентариев с исполнительной властью в законодательстве (Universität der Bundeswehr München); обоснована необходимость улучшения возможностей электронной парламентской системы (Australian Parliamentary Library); освещено влияние избирательной системы на работу членов парламента (University of Michigan); проведен анализ возможностей обеспечения гендерного равенства на парламентских выборах (University of Tsukuba); освещен механизм отражения интересов партии в деятельности парламента (Центр правовых исследований и развития законодательства Российской Федерации); обоснована необходимость повышения возможностей информационно-аналитической поддержки парламентариев (Институт проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан).

В мире проводятся исследования с целью укрепления членов парламента и их правового статуса по целому ряду приоритетных направлений, в том числе: обеспечения баланса в отношениях между парламентом и исполнительной властью; определения мандата члена парламента; совершенствования законодательства о выборах членов нижней палаты; усиления участия парламентариев в законодательном процессе; повышения активности депутатов в осуществлении парламентского контроля; укреплении иммунитета и социальной защиты парламентариев и др.

Степень изученности проблемы. Вопросы, связанные с совершенствованием законодательного органа в системе государственной власти, в частности, статуса депутатов и их деятельности, с научно-теоретической, организационно-правовой точек зрения изучены в научных работах узбекских ученых правоведов А.А.Азизхужаева, С.М.Адилходжаевой, Д.К.Ахмедова, Х.Б.Бобоева, Ш.Н.Бердиярова, И.Р.Бекова, З.М.Исломова, Г.С.Исмаиловой, А.Э.Юлдашева, Б.Ш.Мирбобоева, Г.Р.Маликовой, У.Х.Мухамедова, М.М.Миракулова, О.З.Мухамеджанова, Ф.Х.Отахонова, Х.Т.Одилкориева, М.Х.Рустамбаева, А.К.Рахимова, А.Х.Саидова, С.М.Селимановой, Н.Ш.Саид-Газиевой, А.С.Турсунова, А.Т.Тулаганова, А.А.Тулаганова, И.Т.Тулътеева, О.К.Тургунова, О.Т.Хусанова, Э.Х.Халилова, И.А.Хамедова, Р.Р.Хакимова, Х.С.Хайитова, Ш.У.Якубова и др.

Мнения касательно регулирования и совершенствования деятельности депутатов в качестве членов высшего представительного органа, нашли свое научное и теоретическое выражение в научных исследованиях ученых-правоведов стран СНГ А.С.Авакьян, К.В.Арановского, А.А.Безуглова, М.В.Баглай, С.М.Барамидзе, А.В.Зиновьева, А.Т.Карасева, А.Н.Кокотова, В.В.Лапаевой, О.О.Миронова, Л.А.Нудненко, И.П.Окулич, Б.А.Страшун, М.Ф.Чудакова, В.Е.Чиркина, Ю.А.Юдина.

Теоретические и научные взгляды на организацию и совершенствование деятельности депутатов как членов нижней палаты парламента, сравнительно-правовой анализ законодательства освещен в работах

зарубежных ученых Ж.Брайс, П.Бадура, П.Брохмед, Д. Гарнер, Ш.Монтескье, Э. Мицкевич, Дж. Милль, Г.Нарвел, М.Прело, Ж.Скотт, В.Стеффани, М.Тропе, А.Токвиль, Х. Унфрехэс, Ч.Файерстоун, К.Хессе, К.Хекинг, Э.Шнайдер, Л.Шалланд, Ф.Эймон и др.¹

В рамках исследуемой темы проводились научные исследования Э.Х.Халилова – Законодательный орган Республики Узбекистан от ложного представительства до реального парламентаризма, О.З. Мухамеджанова – организационно-правовые основы деятельности двухпалатного парламента в Узбекистане, Л.А.Нудненко – конституционно-правовой статус депутата законодательного органа в государственной власти Российской Федерации, Р.Р. Хакимова – парламент в системе государственной власти: проблемы теории и практики, А.Т. Карасева – депутат в системе государственной власти, А.К. Рахимова – отношения между палатами Олий Мажлиса, С.А. Аббасходжаева – организация деятельности Законодательной палаты Олий Мажлиса. Однако тема совершенствования деятельности депутатов Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан (сравнительно-правовой анализ) комплексно не была изучена.

